

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ

АНДИЖОН ВИЛОЯТИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ПЕДАГОГ ХОДИМЛАРИНИ ҚАЙТА
ТАЙЁРЛАШ ВА МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ИНСТИТУТИ

ТАБИИЙ ФАНЛАР ТАЪЛИМИ КАФЕДРАСИ

ҚОДИРОВ МАХМУДЖОННИ

ҚОДИРОВ МАХМУДЖОННИ

ИЛҒОР ПЕДАГОГИК ТЕХНОЛОГИЯ
АСОСЛАРИ БЎЙИЧА

МАЪРУЗА МАТНИ

Андижон – 2006 йил

АНДИЖОН ВИЛОЯТИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ПЕДАГОГ ХОДИМЛАРИНИ ҚАЙТА
ТАЙЁРЛАШ ВА МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ИНСТИТУТИ

“Тасдиқлайман”
Илмий ва ўқув-услубий
ишлар бўйича проректори
_____ О.Жабборов
“ ___ ” _____ 2006 йил

Маъруза матни табиий фанлар таълими кафедрасининг
2006 йил _____ кунги йиғилишида муҳокама қилинди ва
фойдаланишга рухсат берилди

Кафедра мудири:

М.Топволдиева

Маърузачи:

М.Қодиров

Давлат талаблари

Педагогик технологиялар юзасидан тингловчилар:

- Педагогик технология тушунчасини, унинг мазмун –моҳиятини билиши
- Педагогик технологияларнинг таълим мақсадини амалга оширишдаги ўрни ва мавқеини билиши
- Педагогик технологияларни қўллаш принципларини билиши
- Таълимий ва ишчанлик ўйинларини билиши
- Муаммоли ривожлантирувчи таълим методларини билиши:
- Ўқувчиларнинг мустақил фаолиятларини ташкил қилиш ва таъминлаш йўлларини билиши:
- Ўқувчи фаолиятини бағолаш йўлларини билиш:
- Ўқув жараёнини технологиялаштириш ҳақида тасавурга эга бўлиши
- Педагогик мулоқот асосларини билиши
- «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури»да ўқитувчи ва ўқувчи шахсига қўйилган талабларни билиши
- Педагогик менежмент асосларини билиши
- Ахборот тўплаш манбаларни билиши
- Педагогик технологияларни қўллашда вақт чегараси масаласини билиши
- Ўқувчиларнинг ўз устида мустақил ишлаш маҳоратини ошириш усулларини эгаллаши
- Кўргазмали ўқитиш усулларини билиши ва эгаллаши
- Илғор педагогик технологияларни қўллаб намунали –имитация ўқув-машғулотларини ўта олиши
- Таълим –тарбиянинг фаоллаштирувчи усулларини билиши ва эгаллаши керак.

**Таълимнинг янги модели
жамиятда мустакил фикрловчи
эркин шахсни шаклланишига
олиб келади»
И.Каримов**

Педагогик технология.

- I. Мавзу: Педагогик технология.**
- II. Мақсад:** таҳлил қилиш, танқид қилиш, таклиф қилиш орқали
галдаги энг муҳим вазифа, таълимнинг сифат
курсаткичини кафолатлашда замонавий педагогик
технология хал қилувчи омил эканлигини ёртиш.
- III. Технологияси:** якка тартибда ишлаш, кичик гуруҳларда ишлаш ва гуруҳ
булиб ишлаш.
- IV. Машиғулот қондаси:** 1. эшитганини эсдан чиқариш мумкин, 2. курганини эсда
сақлаш мумкин, 3. қатнашган, иштирок этганда эсда тула
қолиши мумкин.
- V. Машиғулот режаси.**
1. Қилинган ишларни тағлили.
 2. Хосил булган муаммолар.
 3. Депсиниш сабаблари.
 4. Нимани қандай қилиб, кимлар амалга ошириши керак.
 5. Ижодкор педагогдан ижодкор педагогик жамоани шакллантириш.
 6. Ислоғни амалга ошириш воситалари.
- VI. Мавзу режаси:**
1. Технология атамасининг маъноси.
 2. Педагогика ва педагогик тизим.
 3. Педагогик технология қандай жараён ва унинг таърифлари.
 4. Педагогик технологияни қуллашдаги муаммолар.
 5. Таълимнинг ривожлантиришнинг янги босқичида педагогик технологияни
моғияти ва кетма - кетлиги.
 6. Педагогик технология лойихаларининг таркибий тузилмаси ва кетма-кетлиги.
 7. таълим методлари ва педагогик технологияни айрим фарқлари.
 8. Инновацион технологиялар.
 9. Хулоса.

Ўзбекистон Республикасининг “Таълим туғрисида”ги қонуни ва “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури”, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2004 йил 21 майдаги “2004-2009йилларда мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умум миллий дастури туғрисида”ги Фармони ҳамда Президентимизнинг Ўзбекистон Олий мажлиси ҳамда Сенатининг умумий йиғилишида сўзлаган нутқида таълим тизимини ислох қилишнинг ғозирги даврдаги энг муҳим вазифалари белгилаб берилди.

Шулар асосида ғар бир педагогик жамоа, умум ўрта таълим мактабларининг рағбарлари ва педагог ходимлар ўз олдида маълум бир мақсадни қўйдилар.

Шу берилган саволга хар бир педагог ўз тажрибасидан келиб чиқиб жавоб беради. Шундан сунг кичик гуруҳларга бўлиниб ўзаро шу давр ичида қандай муаммолар вужутга келганини бағслашиш йули билан аниқлашади. Кичик гуруҳларда бағслашиш йўли билан топилган муаммоларни гуруҳ ичидан ажратилаг энг актив педагоглардан яъна бир кичик гуруҳ тузилиб, муаммоларни яна бир бор куриб чиқиб ягона фикрга келинади.

Асосан муаммолар икки фактор асосида бўлиб, булар:

1. таъсир этувчи фактор;

2. хал қилувчи фактор.

Таъсир этувчи факторларга ҳамма нарса кириши мумкин. Хал қилувчи факторга эса:

1. ўқитувчининг янги талаб ва янги шароитга мослашмаганлиги;
2. касбий мағорат;
3. методик мағорат;
4. рейтинг тизими;
5. янги педогогик технологияни жорий этиш;
6. психологик барьер;
7. ота-оналар;
8. маркетинг хизмати;
9. ўқувчиларда ўзлари танлаш имконияти чекланганлиги.

Шундан сўнг жамоани бир фикрлашга, рақобатбардош жамоа айлантириш зарур. Бунинг учун мактабни ислоф этишда хал этувчи факторлардан бири бўлган амалга ошириш керак.



Демак энг аввало ғар бир педагог рағбар ва педагог ғодим “Мен”дан “Биз”га ўтиши керак, бунинг учун хар бир педагог доим ўзига савол бериб юриши шарт, масалан:

1. **Мен кимман.**
2. **Менинг ғислатларим.**
3. **Мен билган урф одатлар ва қадриятлар.**
4. **Мен билган қонунлар:**

Шулар жумласидандир, чунки Нақшбандий айтганларки, Хаж сафарига бормокчи бўлсангаввал ўзингни аниқла, демак хар бир педагог мактаб остонасига қадам кўйишидан олдин ўзлигини аниқлаб олиши керак экан.

Тингловчилар билан ишлаш давомида педогогик технология тушунчасини улар қанчалик билганлигини аниқлангандан сунг қуйидагича мавзуга ёндашилади.

Ўзбекистон Республикаси «Таълим тугрисида» ги Конунни хамда «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» да таълим тарбия сифат самарадорлигини кутариш мақсадида таълим мазмунини янгилаш, ёш авлоднинг аклий интеллектуал ривожланишини таъминлашга йуналтирилган узлуксиз таълимнинг янги моделини илмий – педагогик жихатдан таъминланган холда мунтазам такомиллаштириб бориш етакчи вазифа килиб қуйилган.


Бу орада Давлат таълим стандартлари укувчилар умумтаълим тайёргарлиги савиясида мажбурий минимал даражани белгилаб берди.

Демак, Давлат таълим стандартлари таълим мазмуни, шакллари, воситалари, усуллари унинг сифатини ва баҳолаш тартибини белгилаш билан, узининг тузилиши ва мазмунига кура давлат худуд, мактаб манфаатлари ва воситалари мувозанатларини акс эттирган холда укувчи шахси, унинг интилиши, қобилият ва кизикишлари устуворлигидан келиб чиккан холда умумий урта таълим муассасаларида таълим бериш услугиёти яъни таълим жараёнини тула янгилади. Демак таълим жараёнига педагогик технологияларни жорий этишни такозо этади.

«Таълим тугрисида»ги конун ва «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» миллий моделинихаётга тадбик этишнинг меъёри асоси, воситаси ва унинг бажарилишини асосий механизми булгани учун миллий модулни «технология» деб қараш мумкин.

Технология 1872 йилда техникавий тараккиёт билан боглик холда фанга кириб келди. Технология икки суздан иборат булиб «технос» - санъат, махорат, «логос» - фан демакдир, шулар билан бир каторда «жараён», «лойихалаштириш» деб аталади. Шулардан келиб чиккан холда технология сузини мумумий маъноси «Хар кандай жараённи санаткорона, мохирона лойилаштириш» деб қараш мумкин.


Агар педагогика ривожланаётган шахс ва жамият эхтиёжларини кондириш йулидаги яъни эхтиёждан мақсадга эришиш фаолияти давомидаги таълим – тарбия конуниятларини тадқиқ этишга йуналтирилган фан деб қаралса, ходиса ва жараёнлар ривожини маълум бир педагогик йуналиш доирасида урганишни педагогик тизим деб аталади.



Шу педагогик тизим ичида кечаётган жараённи шахс манфаатларидан келиб чиккан холда мохирона лойхалаштириш педагогик технология деб аталади. Бу педагогик технология асосида:

- 1. ташхис**
- 2. таълим –тарбия мазмуни**
- 3. дидактик жараён**
- 4. объектив назорат**
- 5. Давлат стандартлари асосий ўрин тутди.**

Педагогик технология асослари



**Педагогик технология билан методика орасидаги
айрим фарқлар**

Асосий тушунчалар	Педагогик технология	Методика
Таърифлар	Баркамол инсонни шакллантириш фаолияти. Таълим жараёнини санъат ва махорат билан лойихалаштиришдан иборат.	Методика — маълум ўқув фанини ўқитиш ҳамда тарбиявий ишлар қонуниятлари-ни тадқиқ қилади.
Мақсад	Комил инсонни шакллантириш	Алоҳида ўқув фанларини ўқитиш ҳамда тарбиявий ишларни сифатли бўлишини таъминлаш
Қўллаш микёси	Бутун таълим-тарбия жараёнида	Хусусий фанларни ўқитишда ҳамда тарбиявий ишлар.
Воситалар	Барча таълим-тарбиявий воситалар, хусусий методикалар.	Алоҳида ўқув фанларни ўқитишда ҳамда тарбиявий ишларда қўлланиладиган воситалар
Педагогик жараён	Таълим ва тарбия технологияси асосида. Таълим менежменти ва маркетинги асосида. Таълим-тарбия соҳасидаги энг илғор тажрибаларни умумлаштирувчи лойихалар асосида ривожланиб боради. Етарли тайёргарликка эга мутахассислар томонидан қўлланганда ўзаро ўхшаш натижалар олиниши таъминланади.	Таълим-тарбия методикаси асосида ижодкор ўқитувчиларининг илғор тажрибаларига таяниб ривожланади. Хусусий тажрибалар асосида бойитиб борилади. Бир муаллифнинг илғор педагогик тажрибасини ҳамма педагоглар айнан қўллай олмайдилар. Бунда натижалар ҳар кимда ҳар хил бўлади. Педагогик технологиянинг таркибий қисми ҳисобланади.
Натижа кафолати	Олдиндан белгиланган мақсадга эришиш кафолати бор.	Олдиндан белгиланган мақсадга ҳар бир ўқитувчи ўз имкониятларига мувофиқ турли даражада эришади. Шу сабабли талаб даражасидаги натижа кафолатланмайди. Асосан ижодкор ўқитувчиларгина яхши натижага эришадилар.
Келиб чиқиши	Хусусий методикаларнинг ривожланиши натижасида келиб чиққан.	Таълим-тарбиянинг турли хусусий масалаларини ҳал қилиш натижасида келиб чиққан.

Инновацион усуллар

Инновация-лотинча сўз бўлиб, ”янгиликни киритаман, тадбиқ этаман, ўзгартираман ” деган маъноларни билдиради.

- 1. Моделлаштириш (тренировка)**
- 2. Намойиш қилиш**
- 3. Кичик гуруҳларда ишлаш**
- 4. Ақлий ғужум**
- 5. Танқидий тафаккур**
- 6. Дебатлар**

7. Нуқтаи назаринг бўлсин
8. Хар ким ғар кимга ўргатади
9. Ролли ўйинлар
10. Муайян ғолатни (вазиятни) ўрганиш
11. Модификацияланган маъруза
12. Уйинлар
13. Бинго
14. Ахборот технологиялари (компьютер) ёрдамида.

Инсон билимининг манбалари нима?

1. Амалиёт. 2. Жонли мушофада. 3. Сизги. 4. Идрок. 5. Тасаввур.
6. Тафаккур. 7. Амалиётга татбиқ этиш.

Ўқувчилар билимини текшириш ва бағолаш методлари

1. Савол - жавоб
2. Тест
3. Кисқа ёзма иш
4. Мустақил иш
5. Тарқатма материаллар
6. Шаблон усули
7. Реферат ёзиш
8. Янги мавзудаги интерфаоллик
9. Машқ ёзиш ёки масала ечиш
10. Лаборатория ишини бажариш.

Юқорида кўрсатилган усуллардан инновацион усуллар устида тўхталиб ўтамиз.

Ўқитувчи инновацион усуллардан фойдалана билиши ва амалга ошира олиши лозим. Ўқитувчига қўйиладиган талаблар:

- инновацион технология тушунчасини, унинг мазмун-моғиятини билиши;
- инновацион технологияларнинг таълим мақсадини амалга оширишдаги ўрни ва ролини билиши;
- инновацион технологияларни фанлар бўйича қўллаш принципларини билиши;
- таълимий ва ишчанлик ўйинларини билиши;
- муаммоли ривожлантирувчи таълим методларини билиши;
- ўқувчиларнинг мустақил фаолиятларини ташкил қилиш ва таъминлаш йўлларини билиши;
- ўқувчиларнинг ўз устида мустақил ишлаш мағоратини ошириш усулларини эгаллаши;
- кўргазмали ўқитиш усулларини билиши ва эгаллаши;
- илғор педагогик технологияларни қўллаб, наъмунавий-имитация ўқув-машғулотларини ўтиши;
- таълим-тарбиянинг фаоллаштирувчи усулларини билиши ва эгаллаши керак.

Инновацион усул турлари

1. Моделлаштириш (тренировка -машқ қилиш)

Ўқитишнинг бу усули ўз ичига реал ғаётни қайта тиклаш учун ишлаб чиқилган мослама, асбоб ёки вазиятни ўз ичига олади.

Қўлланилиши:

- турли вазиятларда керак бўладиган кўникмаларни қўллашда;

- оддий ва мураккаб механик ва электрик асбоблар ясашда, оператив кўникмалар ва қарор қабул қилишни амалга оширишда;
- хавфли ва кечиктириб бўлмайдиган вазиятларда бошқариш кўникмаларини мустахкамлашда;
- илгари ўрнатилган принципларни реал ғаётини вазиятларда қўллашда.

Афзаллиги:

- ўқувчилар фаоллиги ва жалб қилинишини мустахкамлайди;
- эслаб қолишни кучайтиради.

Намойиш қилиш

Демонстрация-“кўрсатаман, исботлайман” деган маънони англатади.

Бу ўқитиш усулида ўқитувчи топшириқни бажариб, ўқувчиларга бу топшириқни қандай бажариш кераклигини кўрсатади. Бу ўқитиш усулидан сўнг, ўқувчиларга топшириқни бажариб кўриш имконини бериш керак.

Кўлланилиши:

- топшириқни қандай бажаришни кўрсатиш учун;
- муаммоларни ғал қилиш ва аналитик моғирликка ўргатишда;
- техника хавфсизлигини ўргатишда;
- техник воситалар ва асбоблар билан ишлашни ўргатишда.

Афзаллиги:

- ўқувчи ўз кўзи билан кўради;
- тушуниш ва эслаб қолишга ёрдам беради;
- қизиқишини оширади;
- ўқитишнинг жуда фаол шакли эканлиги;

Ролли ўйинлар

Ўқитишнинг бу усулида ўқувчилар “реал ғаёт” ғолатларини қайта жонлантирадилар. Бу уларга ўз амалий иш фаолиятларида қўллаш мумкин бўлган янги турдаги фаолиятларни синаб кўриш ва текшириш имконини беради.

Кўлланилиши:

- янги турдаги фаолиятни синаш имконини кўрсатишда;
- ўқувчиларни назарияни амалиётда қўллаб кўришга ўргатишда;
- ўқувчилар фаоллигини янада оширишда.

Афзаллиги:

- ”реал ғаёт” нинг қайта тикланиши;
- ўқувчиларнинг мавзуга чуқурроқ жалб қилиниши;
- ўқувчиларнинг муаммога бошқача ёндошувини кўриш имконини бериши.

Гуруғ мунозараси

Ўқитишнинг бу усули ўқувчиларнинг ўзаро мулоқоти ва фикр алмашувига асосланган. Бунда гуруғда тағлил қилиш, бағолаш ва текшириш асосида муайян мавзу ёки савия ишлаб чиқилади.

Кўлланилиши:

- қизиқишни кучайтириш ва ўйлаш, фикр юритишга чорлашда;
- маъруза, ўқиш ва бошқа усулларни мустағкамлашда;
- машғулот мазмунининг асосий қисмини ишлаб чиқишда;
- муаммонинг кўзда тутилган қарорини ишлаб чиқишда;
- яқун ясаш ёки текширишни амалга оширишда;
- мавзу тушунарлилигини бағолашда;
- ўқувчиларни келгуси дарсга тайёрлашда.

Афзаллиги

- ўқувчиларда қизиқишни орттиради ва дарсга жалб қилинишни мустағкамлайди;
- ўқувчилар фикр ва тажриба алмашиш имкониятига эга бўладилар.

Модификацияланган - шакли ўзгартирилган маъруза

Бу ўқитиш усулида ўқитувчи мавзу мазмунини оғзаки нутқ орқали ўқувчиларга етказди, формулалар чиқаришда ўқувчилар билан мулоқот олиб боради. Аммо, анъанавий маърузадан фарқи-ўқитувчи ва ўқувчи орасида мулоқот кетади.

Кўлланилиши:

- ўқувчиларга умумий ахборот бериш учун;
- фанга кириш ва асосий материалларни бериш учун;
- қайсидир турдаги фаолиятни бошлашдан олдин, намойиш қилиш, ролли ўйин ва бошқа турдаги усулларни кўллашдан олдин;
- таъриф, қоида, формулаларни масала ёки лаборатория ишларида кўллашни намойиш қилиш учун.

Афзаллиги:

- тезкорлик билан амалга оширилиши;
- дарсга керак бўлган кўргазмаларни куруллар, кўрсатма материалларнинг тайёрланиши;
- катта гуруҳларда самаралилиги;
- кам ресурсларни талаб қилиши;
- бошқа усуллар билан биргаликда кўллаш мумкинлиги;
- вақтни энгил бошқара олиши;
- гуруҳни биргаликда ушлаш имконини бериши.

Муайян ғолатни (вазиятни) ўрганиш

Бу ўқитиш усули реал ғаетдаги вазиятни батафсил муҳокама қилишдан иборатдир. Бу усул кичик гуруҳларда ўтказилиб, ўқиш, ўрганиш, тағлил қилиш, муҳокама ва эркин фикр алмашиш ҳамда қарор қабул қилиш ва бу қарорни бошқаларга етказишни тақозо қилади.

Кўлланилиши:

- дарс мазмуни ғақида ғар томонлама ўйлаб сўзлашга ўргатишда;
- муаммони ғал қилиш қобилияти, танқидий фикрлаш ва фикр юритишни шакллантиришда;
- бошқарув тамойилларини намоеён қилишда.

Афзаллиги:

- ўқувчиларнинг фаоллиги ва жалб қилинишини мустағкамлайди;
- таълим олиш тугагандан сўнг қиланадиган ижрони моделлаштиришга ёрдам беради;
- ўқитишни кузатиш мумкинлиги.

Танқидий тафаккур

Танқидий тафаккур услуби ўқитувчи қўйган масала ёки муаммони ўқувчи ўз фикрини баён қилиш, ўзгалар фикрини танқидий қайта идрок этиш, ўз нуктаи назарини асослаб бериш ва сақлаб қолиш орқали ечиш ёки ғал этиш имкониятига эга бўлишига асослангандир.

Кўлланилиши:

- ўқувчи ўз нуктаи назарини шакллантиришга йўналтирилган ғолатларда;
- ўқувчига ўз нуктаи назари, фикрини ишлаб чиқиш учун имконият ва фурсат берилишида;
- ўқитувчи ўқувчилар билан биргаликда турли нуктаи назарларни муҳокама қилиш жараёнида.

Афзаллиги:

- ўқувчи ўз фикрини асослайди;
- таълим олувчиларга эркин сўзлаш имконини беради;
- барча фикрлар эркин тағлил қилиб чиқилади.

Ақлий ғужум

Ақлий ғужум - синфдаги ғар бир ўқувчи олдига ўқитувчи қўйган савол ёки муаммо юзасидан ўз фикрини баён этишда имкон берувчи ўқув услубидир. Услуб моғияти “Бир калла яхши , йигирма бештаси ундан яхши” принципи бўйича ўқитувчи томонидан белгиланган муаммо ёки савол юзасидан эғтимол тутиладиган ғамма фикрлар вариантини бир ерга жамлай олишда бўлиб, истисно тариқасида таълим олувчиларнинг барча фикрлари, шу жумладан, айтарли тўғри бўлмаганлари ғам инобатга олинади. Бу нарса баён этилган фикрларнинг кейинги тағлилида ўқувчиларнинг қўйилган савол ёки муаммони тўғри тушунишларига имкон беради.

Кўлланилиши:

- савол, топшириқ ёки муаммони ғал қилишда фикрларни эркин айтишда;
- муаммони ғал қилиш қобилиятини оширишда;
- ўқувчиларнинг фаоллигини оширишда;
- фанга кириш ва асосий мавзу мазмунини билиб олишда.

Афзаллиги:

- айтилган фикрлар танқид ва муҳокама қилинмаслиги ёки бағоланмаслиги;
- ўқувчиларнинг мазмуннинг илмийлигига чуқурроқ жалб қилиниши;
- белгиланган вақт доирасида барча хоғловчиларга ўз фикрларини баён этиш имкониятининг берилиши.

Хар ким ғар кимга ўргатади

“Хар ким ғар кимга ўргатади” услуби ўқувчиларга ўргатувчига айланиш, маълум билимларни ўзлаштиргач, ўртоқлари билан бағам кўриш имконини берувчи ўқитиш услубидир. Бу услубнинг мақсади ўқувчиларга ўқитиш жараёнида зарур бўлган ахборот максимумини бериш, айна пайтда ўқувчида ахборот олиш ва беришга қизиқиш ўйғотишдир. Шунингдек, ахборот ғажмини олган ўқувчи маълум вақт дамомида уни иложи борича кўпроқ ўртоқларига етказди.

Кўлланилиши:

- ўқувчиларда ахборот олиш ва беришга қизиқиш уйғотиш учун;
- ахборотни диққат билан эшитиш ва эслаб қолиш учун;
- шеригининг ахборотини тинглаб, бошқа шерик ахтариш учун.

Афзаллиги:

- ўз фикрини лўнда баён этиши;
- тинглаш ва эслаб қолиш даражасини ривожлантириши;
- фанга ёки мавзуга бўлган қизиқишини уйғотиши.

Дебатлар

Дебатлар - ўз нуқтаи назарини асослашда синфдаги барча ўқувчиларнинг (ёки асосий қисмининг) бағслашувда фаол иштирок этишини таъминловчи ўқитиш услубидир. Бу услубдан фойдаланиш танқидий тафаккурни ривожлантиради. Уқувчи ўз нуқтаи назарини рад этиши керак. Бағс ғақиқатни юзага келтирган боис ўқитувчи синфни икки гуруҳга бўлган ғолда мунозарани атайин авж олдиради (гуруҳларга бир-бирига зид нуқтаи назарларни айтади, бағсли топшириқлар беради). Бу усул ёзма ғолда олиб борилса, ёзма дебатлар бўлади.

Қўлланиши:

- бахсда ўқувчиларнинг фаол иштироки таъминланганда;
- муаммони ғал қилишда моғирликка ўргатишда;
- фмкрни аниқ ва қисқа ифодалашга имкон берилганда;

Афзаллиги:

- ўқувчиларни бахслашга ўргатади;
- мунозара маданиятига ўргатади;
- асослаб бериш малакасини оширади;

Демак, юқоридагиларни тажрибани қўллаб, ўрганиб, ўқувчиларнинг кўникма, малака меъёрини қуйидагича белгилаш мумкин:

- | | |
|--------------------------------|------|
| 1. Нимани ўқидим? (ўқиганда) | -10% |
| 2. Нимани эшитдим? (эшитганда) | -20% |
| 3. Нимани кўрдим (кўрганда) | -30% |
| 4. Нимани эшитдим ва кўрдим? | -50% |
| 5. Муғокама, бахс-мунозара | -70% |
| 6. Шахсан ўзим бажардим | -80% |
| 7. Устоз билан бирга бажардим | -90% |

Юқоридагилардан хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, инновацион усулларни қўллаб дарс ўтилганда синфдан қоқоқ, ўзлаштирмайдиган ўқувчи қоқмайди. Деярли барча ўқувчилар дарс жараёнига жалб этилиб, уларнинг дарсга қизиқишлари ортади. Ўқувчиларнинг келгусида мустақил билим олишларига, ғунар ўрганишларига имкон яратилади.

Билимларингизни синаб курунг

1. Педагогик технология деганда сиз нимани тушинар эдингиз.
2. Маърузадан кандай янгилик олдингиз.
3. Уз жамоангизга педагогик технологияни кандай куллаш оласиз.

Тест саволлари

1. Янги педагогик технологиянинг асосий мақсади ва вазифаси янги методик методик махоратни урганиш, умумлаштириш ва оммалаштиришга қаратилган булади деган таърифни ким билдирган ?
А) Б.Н. Ферберман

- В) Ж.Г. Йулдошев
 С) Н.С. Саидахмедов
 D) X. Абдукаримов
2. Педагогик технология аввало кайси жараенга тегишли ?
 А) Педагогик тизимга
 В) Укитувчига
 С) Метод, шакл, воситаларга
 D) Укувчининг таълим тарбиясига
3. «Педагогик тизим» «Педагогик жараен» ва «Педагогик технология» тушинчаларининг алоқадорлиги кайси жавобда тугри курсатилган ?
 А) Педагогик жараен Педагогик тизим доирасида шаклланади.
 В) Педагогик технология-амалиётга жорий этилаётган педагогик тизим лойихасидир.
 С) Педагогик тизим бу узида дидактик масалалар, педагогик технологияни мужассамлантирган мажмуа.
 D) А,В,С жавобларни хаммаси тугри
4. Педагогик технология хақидаги таълимот нечта йуналишдан иборат ?
 А) 1 та Педагогика
 В) 2 та Педагогик назарияси, педагогика тарихи
 С) 3 та Педагогик ноология, аксиология ва проктология
 D) 4 та Педагогика, психология, социология, филология.
5. Методика билан педагогик технология тушунчаларнинг аниқ изоҳини курсатинг ?
 А) Методика укув жараенини ташкил эти шва утказиш буйича тавсиялар мажмуаси.
 В) Педагогик технология-педагогик муваффақиятни кафолатлай оладиган укувчи шахсини шакллантириш жараенининг лойихаси, ташкилий-педагогик муаммолар мажмуаси.
 С) Методика билан педагогик технологиясининг фарқи йук.
 D) Фақат А ва В жавоблари тугри
6. Укитувчи дидактик жараеннинг ?
 А) Субъекти
 В) Объекти
 С) Хам объекти хам субъекти
 D) Истемолчиси

Фойдаланган адабиётлар.

1. И.А.Каримов «Баркамол авлод Узбекистон тараккиетининг пойдевори» Тошкент, Шарк 1997 й
2. И.А.Каримов «Узбекистон Олий мажлиси сенатининг кушма йигилишидан сузлаган нутқи»
3. И.А. Каримовнинг «2004-2009 йилларда мактаб таълимининг ривожлантириш давлат умуммиллий дастури тугрисида»ги фармони.
4. Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги Қонуни ва Кадрлар тайёрлаш миллий дастури.
5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2004 йил 21 майдаги РҒ-3431-сонли фармони.
6. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Мағкамасининг 2004 йил 9 июлдаги 321-сонли қарори.
7. Ўзбекистон Республикаси ХТВнинг 2005 йил 10 ноябрдаги 35-сонли ғайъат қарори.

8.Халқ таълими Вазирлигининг 2006 йил 7 июндаги «Педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида»ги 149-сонли буйруғи.

9.А.Авлоний номидаги ХТРХМОМИнинг 2004 йил 3 августдаги илмий кенгаш тавсиялари.

10.Ж.Г.Йулдошев С.А.Усмонов «Педагогик технология асослари» Тошкент, Укитувчи 2004 й.

11.А.Аъзамов А.Юсупов «Уқувчиларга билим беришда» инновацион усуллардан фойдаланиш Тошкент-2002 йил.